ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ:

ХАР КИМ САВОБ ИШ КИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ КИЛСИН!

Mahalla

11 (341)

2003 йил 19 март

Чоршанба

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

78-кун

2 *Наврўзнинг тарихи узоқ.
*Обод маҳаллам — бўл яна кўркам!

3 * Бизнинг қутлов!
* Оқсоқоллар, яна бир танловга марҳамат!

4 * Пушаймонлик жазодан қутқармайди!
* Катталарга ибрат шеър

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари

Ушбу тарихий дамларда террорчиликка қарши дунёвий урушда кўрсатган ёрдамингиз учун Сизга ва ҳукуматингизга Америка халқининг миннатдорлигини изҳор этмоқчиман. АҚШ ва коалиция кучларига Қарши-Хонобод ҳарбий-ҳаво базасидан фойдаланиш учун рухсат бериш борасидаги дадил қарорингиз Афғонистонда муваффақият қозонишимизда катта омил бўлди. Биз ўз ҳамкорларимизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Бугун биз яна бир таҳдидга дуч келмоқдамиз: бу - Саддам Хусайннинг жаҳон ҳамжамияти иродасига қарши чиқаётгани билан боғлиқдир.

Сиз яхши биласизки, лидер бўлиш таҳдидлардан чўчимасликни, жасоратни талаб қилади. Бугунги янги асрда дунё оммавий қирғин қуроллари, террорчилик иллати ва террорчиликка ҳомийлик қилаётган, қўллаб-қувватлаётган давлатлардан иборат ниҳоятда хавфли таҳдидга дуч келмоқда. Ҳеч бир халқ ва мамлакат бундай душманга қарши ёлғиз ўзи курашолмайди; бу борада зафар қозониш кенг халқаро ҳамкорликни талаб қилади.

Менинг ишончим ва қатъий қарорим шундай.

Бу саъй-ҳаракатларда Ўзбекистоннинг ҳиссаси катта. Бунинг учун мен беҳад миннатдорман.

Эҳтиром билан,

Жорж БУШ,
АҚШ Президенти

Ассалом, Наврўзи олам!

Шарҳловчи минбари

АҚШ президенти Жорж Буш Саддам Ҳусайндан 48 соат ичида Ироқни тарк этишни талаб қилди. Оқ уй раҳбари АҚШ мустақил давлат сифатида ўз хавфсизлигини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгалигини таъкидлар экан, Саддам Ҳусайн ва унинг ўғиллари Ироқни тарк этиши учун икки кун етарли эканини айтди.

ИРОҚДАН ЧИҚАЁТГАН ТАҲДИД

Бешафқат ҳукмдорлик яқин кунларда барҳам топади, чунки Ироқни зўравонлик тузумидан озод қилиш куни яқин қолди, деди Жорж Буш ўз мамлакати аҳлига телемурожаатида. Дунёнинг йирик телекомпаниялари намойиш этган ушбу мурожаатда, Жорж Буш хорижий фуқаролар, жумладан, БМТ нозирлари ва журналистларни Ироқдан имкон кадар тезроқ чиқиб кетишга чақирди.

АҚШ президенти Ироқни куролсизлантириш борасида БМТ Хавфсизлик кенгашининг фаолиятига тўхталар экан, ташкилот ўз қарорларини ҳаётга жорий қила олмаганини, яъни Ироқни қуролсизлантиришнинг уддасидан чиқолмаганини айтиб ўтди.

Хўш, Ироқда оммавий қирғин қуроллари борми? Албатта, БМТ нозирларининг тўрт ойлик текширувидан кейин ҳам бу савол очиқ қолмоқда. Лекин айрим маълумотлар ҳам борки, улар Ироқда оммавий қирғин қуроллари йўқ, деган гапни инкор этади. 80-йилларда кечган Ироқ-Эрон урушида Саддам Ҳусайн буйруғи билан Эрон армиясига қарши халқаро ҳамжамият томонидан тақиқланган заҳарли газ ишлатилди. Ушбу урушда Эрон бир миллионча одамини йўқотди. Саддам Ҳусайн бундай қуролни ўз халқи бўлмиш - курдларга қарши ишлатгани ҳақида ҳам рад этиб бўлмайдиган маълумотлар бор. Бу қуроллар ҳозир қаерда? Нега уларнинг йўқ қилиб ташланган ҳақидаги аниқ маълумотлар кўрсатилмаяпти?

Саддам Ҳусайннинг ўз халқига қарши юритган қатағон сиёсати ҳеч бир меёрга тўғри келмайди. Айрим маълумотларга қараганда, Ироқ аҳолисининг 15 фоизи Саддам Ҳусайн юритаётган сиёсатдан безиб, ватанни тарк этган. Чегарадан ўтиш осон бўлганида, бу кўрсаткич бир неча баробар ортиши турган гап эди.

1991 йили Ироқ ён қўшниси Кувайтни босиб олгани халқаро ҳамжамиятнинг сабр-бардошини тугатди. Зўравонликнинг ҳам чегараси бор. Айниқса бир давлатнинг бошқа бир мустақил мамлакатни забт этиши, бойликларини талаши, минг-минглаб фуқароларини асир олиши халқаро ҳуқуқ меёрларга тўғри келадими? Йўқ, албатта. Бунга беэътибор қараб туриш мумкин эмасди. Бинобарин, ҳеч бир давлатнинг бошқа бир давлатга нисбатан зўравонлик қилишга ҳаққи йўқ. Саддам Ҳусайн эса шу ҳақиқатни тан олмади. Оқибатда Форс кўрфазида уруш келиб чиқди. Ироқ армияси Кувайтдан ҳайдаб чиқарилди.

Дўппи тор келиб қолганда, Саддам Ҳусайн Кувайтнинг нефт конларини портлатиб юборди. Ҳозир ҳам у, АҚШ уруш бошлайдиган бўлса, Ироқдаги барча нефт конларини ёқиб юборишни режалаштиргани ҳақида маълумотлар мавжуд. Ироқ нефт захиралари бўйича Саудия Арабистонидан кейин дунёда иккинчи ўринда туради. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, «қора олтин» ёлғиз Саддам Ҳусайн ёки унинг яқинларинники эмас, балки Ироқ халқининг миллий бойлигидир.

1991 йилдан ҳозиргача БМТ Хавфсизлик кенгаши Ироққа нисбатан 15 дан зиёд резолюция қабул қилди. Ташвишланарли жиҳати шундаки, ушбу ҳужжатларнинг бирортаси тўлиқ бажарилмади. Халқаро ҳамжамиятнинг Ироққа нисбатан жорий қилган иқтисодий жазоси ҳам иш бермади. Иқтисодий қамал шароитида бўлса-да, Ироқ нафақат минтақадаги, балки бутун дунёдаги тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган мамлакатлигича қолмоқда. Жаҳон оммавий ахборот воситалари Ироқ ядровий, кимёвий ва биологик қурол ишлаб чиқариш дастурини хуфёна давом эттираётгани ҳақида ботбот ёзмоқда. Иқтисодий жазонинг жабрини эса Саддам Ҳусайн ёки унинг яқинлари эмас, оддий ироқликлар тортяпти. Айрим манбаларда айтилишича, Ироқда озиқ-овқат ва дори-дармон етишмаслигидан кунига беш минга яқин бола ҳаётдан кўз юмар экан. Бу йўқотиш миллатнинг келажагига қандай салбий таъсир этишини эса тасаввур қилиш қийин эмас.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

15 март куни МАМЛАКАТИМИЗДА УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ САМАРАЛИ КЕЧДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши асосида шу йилнинг 15 март куни мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Жорий йилдаги умумхалқ ҳашарининг муҳим аҳамиятли томони шундаки, шу куни ишлаб топилган маблағнинг барчаси республика «Маҳалла» жамғармаси тизимлари ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу эса, «Обод маҳалла» иборасининг асл моҳиятига, янаям аниқроғи, Президентимиз Ислом Каримов берган таърифга мос ва ҳамоҳангдир. Шуни таъкидлаш керакки, тушган маблағлар маҳаллаларимизни ободонлаштириш, янги гузарлар барпо этиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, болалар спортини ривожлантириш ва бошқа эзгу мақсадларга сарфланади.

Аждодларимиз ҳам шу йўл билан бир-бирларига яқиндан ёрдам беришган, мушкулотларни баҳамжиҳат бартараф этишган, катта майдондаги ерларни экишга тайёрлаб беришган, муқаддас қадамжолар, қабристонларни тартибга келтиришган. Янги йўллар, боғларга асос солишган. Шанба куни ҳам бундай хайрли ишлар изчил давом эттирилди.

Ўтган шанба куни диёримиз барча ҳудудларида меҳнат бонги анча эртароқ чалинди. Шаҳар, туман, қишлоқ, маҳаллалар еттидан етмиш яшаргача бўлган кишилар билан гавжумлашиб кетди. Республика Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг жойлардаги бўлим, бўлинмалари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари, оқсоқоллар, нуроний отахонларимиз иш бошида бўлишди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Обод маҳалла йили муносабати билан ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда маҳалла, оила ва мактабнинг ролига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди. Тадбир Олий Мажлис Оила ва аёллар муаммолари комиссияси томонидан ташкил этилди.

Соғлом авлод тарбиясига эътибор

Анжуманда «Обод маҳалла йили» дастурида белгиланган вазифаларни бажариш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Мажлисда Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Ш.Салимова ва бошқаларнинг оила-маҳалла-мактаб тизимида ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришнинг қонуний асослари, оила маънавияти ҳамда миллий тарбиянинг такомилида малакали кадрларнинг ўрни, «Обод маҳалла йили» дастури ва ўзини ўзи бошқариш органларига бағишланган мавзулардаги маърузалари тингланди.

Тадбирда ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда маҳалла, оила ва мактабнинг ролини янада ошириш, бу борада тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни намунали йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди, тавсиялар ишлаб чиқилди.

Анжуманда Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова сўзга чиқди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда маҳалла ҳар бир фуқаронинг иккинчи оиласига айланган. Мустақиллик йилларида халқимизнинг асирлар давомида шаклланган ушбу анъаналари янада ривожланган. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, фаолияти кенгайди. Улар жамиятнинг муҳим бўғинига айланди. 2003 йил Президентимиз томонидан Обод маҳалла йили деб эълон қилинганлиги бежиз эмас.

МАҲАЛЛА - АҲИЛ ОИЛА

Бугунги кунда маҳаллалар фаолияти қандай? «Обод маҳалла йили» дастури қандай бажарилаяпти? Маҳаллалар ҳар бир фуқаронинг ишонган, керак бўлса суянадиган даргоҳига айланганми? Уларнинг фаолияти оммавий ахборот воситаларида қандай ёритиляпти?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси томонидан ташкил этилган «Маҳаллам менинг - оилам менинг» мавзуидаги семинарда мана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Республика Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раҳбарлари, «Ўзтелерадиокомпания», «Халқ сўзи», «Mahalla» газеталари, «Оила» илмий-амалий маркази раҳбарлари маъруза қилдилар ва семинар қатнашчилари ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар. Жойларда маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари томонидан қатор хайрли юмушлар қилинаётгани, шу билан бирга улар фаолиятида камчилик ва нуқсонлар ҳам борлиги, газета ва журналлар, телевидение ва радиода улар ҳақида янада кенгроқ ва ранг-баранг чиқишлар қилиш зарурлиги таъкидланди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

Жиззах вилояти

СЕМИНАР

Жиззах шаҳрида Конрад Аденауэр фонди, Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси ва Тадбиркорликни информацион қўллаб-қувватлаш «Заковат» жамоатчилик жамғармаси ҳамкорлигида «Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги иштироки» мавзуидаги семинар бўлиб ўтди.

Семинарни Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари Сайёра Тўйчиева очди.

Семинар иштирокчилари Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё давлатлари бўйича мухтор вакили Томас Кунце, Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси раиси Аъзамжон Гадойбоев, Берлин политологи Аня Мария Кэссер, мазкур семинар раҳбари Муқимжон Қирғизбоев, Қорақалпоғистон Фанлар академияси ходими Максет Карлибаев, Саксония ўлкаси шаҳар ва жамоалар (коммуналар) ишлари бошқарувчиси Миша Войчек (Германия), Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони консультанти Лазиз Тангриев, «Ижтимоий фикр» маркази директори ўринбосари Азат Ота-Мирзаев, республика Давлат солиқ қўмитаси бўлими бошлиғи Дониёр Юнусжонов ва бошқаларнинг турли мавзудаги суҳбатларини тингладилар. Семинар қатнашчилари қўйилаётган масалалар юзасидан қизғин мунозаралар ўтказдилар. Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

«Обод маҳалла йили»да маҳаллаларнинг аҳамияти ошиб бораётгани, хорижлик тадқиқотчилар халқни, оммани уюштирадиган, бошқарадиган, тарбиялайдиган тизимнинг аҳамиятига юксак баҳо бераётганини семинар қатнашчилари ёркин ҳис қилдилар.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлигида **00123**-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Андижон вилояти

● Арафа

«ОБОД МАҲАЛЛАМ - БЎЛ ЯНА КЎРКАМ!»

Вилоятда ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик!» кўрик-танлови маҳаллаларни обод қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Кўрик-танловни ўтказиш бўйича вилоят ташкилий қўмитаси ҳамда ҳакамлар ҳайъатининг якуний хулосаларига биноан Балиқчи тумани 1-ўринни, Асака тумани 2-ўринни, Андижон шаҳридаги Андижон тумани 3-ўринни эгаллади. Биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган ғолиб туманларга «Дамас» ва «Тико» автомашиналари, шунингдек, ҳар учала ғолиб туманга ободонлаштириш ишларини янада ривожлантириш учун 3 миллион сўмдан пул мукофотлари топширилди. Жалолқудуқ, Олтинкўл туманлари ва Хонобод шаҳри рағбатлантирувчи мукофот - 1 миллион сўмдан пул мукофоти билан тақдирланди.

Бу йилги кўрик-танлов эса «Обод маҳаллам - бўл яна кўркам!» шиори остида ўтказилади.

Адаҳамжон ОМОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Навоий вилояти

АРАБХОНАДА ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Навоий туманида Наврўз байрами арафасида янги маҳалла идораси барпо этилгани Арабхона маҳалласи аҳлини беҳад қувонтирди.

Бу хайрли тадбирни амалга оширишда Ҳазора қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Рустам Йўлдошев, ширкат хўжалиги раиси Комил Ҳамдамов ҳамда вилоят, туман ҳокимлиги раҳбарияти ва бошқа ташкилотларнинг хизматлари беқиёсдир.

Бугунги кун талаб даражасида жиҳозланган кенг ва шинам маҳалла идорасида маънавият ва маърифат ҳамда дам олиш хоналари бор бўлиб, маҳалла аҳли учун кўпгина шарт-шароитлар яратилган.

Ҳикоят ТОЛИПОВА

15 март куни МАМЛАКАТИМИЗДА УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ САМАРАЛИ КЕЧДИ

(Давоми, аввали 1-бетда)

Ушбу кунги ҳашарнинг моҳияти, унинг мақсади юрт, одамлар ҳаёти ривожига таллуқли бўлгани учун ҳам шу куни белгиланганидан кўпроқ иш ҳажми бажарилишига шубҳа йўқ эди. Аслида ҳам шундай бўлди. Масалан, биргина Хоразм вилояти бўйича шу кунгача 600 минг туп мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилган бўлса, 15 мартнинг ўзида, яъни бир кунда юқоридаги кўрсаткич 500 мингни ташкил этди. Ариқ-зовурлар қазилди, тозаланди, янги гузарлар бунёд этилди, кўча, ҳовли, хиёбонлар кўкаламзорлаштирилди. Фақат Урганч шаҳрининг ўзида умумхалқ ҳашарида 80 минг нафардан зиёд фуқаро фаол иштирок этди.

Республикамизнинг жанубий минтақаси ҳисобланган Сурхон воҳасида ҳам юқорида санаб ўтилган ишлардан ташқари, кўкламги юмушларга, хусусан, юртимизда биринчи бўлиб чигит экишга киришилди.

Умумхалқ ҳашари миллий қадриятларимизга хос бўлган - орасталик, экологик муҳитни яхшилаш, маҳаллаларни боғу роғларга буркаш, хиёбонларни гулзорларга айлантириш, оқар сувлар мусаффолигига эришиш каби юксак хислатларни намойиш қилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Яна шуни қайд этиш лозимки, умумхалқ ҳашари куни ҳокимликлар, корхона, ташкилот, муассаса ва ўқув юртларида ҳам кўзда тутилган тадбирлар муваффақиятли амалга оширилди. Ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган кишилар эса ҳудудларни тозаладилар, дарахтлар, девор, биноларни оқладилар, ниҳолларга шакл бериб, кўчаларни текисладилар, тош-шағал ётқиздилар. Мутахассислар жалб этилиб, кўча ёритгичлари таъмирланди. Бу борада ҳомий ташкилотлар алоҳида ғайрат кўрсатиб, ҳашар иштирокчиларига транспорт воситалари, техника ва бошқа ёрдамларни етказиб бердилар.

Қисқаси, шу куни юртимизда улкан ишлар амалга оширилди. Барча фуқаролар бир жону бир тан бўлиб, уюшқоқлик, фидойилик, меҳр-оқибат намуналарини кўрсатдилар.

Тошкент шаҳрида ҳам ҳашар куни
деярли ҳамма, ёш ҳам, кекса ҳам ҳашарга чиқди

Фарғона вилояти

АЪЛО КАЙФИЯТ, КЎТАРИНКИ РУҲДА

Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида аҳоли яшаш жойларини ободонлаштириш ва "Наврўз" умумхалқ байрамини нишонлашга тайёргарлик ишлари бир вақтда бошланган эди.

Умумхалқ хайрия ҳашари кунида шаҳардаги кўплаб бинолар таъмирланиб, оқланди ва бадиий безаш ишлари амалга оширилди. Ўқув юртлари талабалари, ишчи-хизматчилар, маҳаллаларнинг аҳолиси кўчалар ва хиёбонларни тартибга келтиришди. Ал-Фарғоний, Охунбобоев, Қамбаров, Ҳасанова, Навоий, М.Қосимов номли, Мустақиллик, Қувасой, Хўжанд кўчаларининг ҳар бирида камида 5 минг тупдан дарахт кўчатлари ўтқазилди, гулзорлар барпо қилинди.

Ҳашардан тушган маблағ "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ҳамда унинг бўлинмалари ҳисоб рақамларига ўтказилди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Умумхалқ хашари куни маҳалладошларимиз самарали меҳнат қилишлари билан бирга кексаларимиз ёшларни меҳнатга даъват ҳам қилишди.

Шавкат ЗУЛФИҚОРОВ олган суратлар

Қашқадарё вилояти

ПУХТА ҲОЗИРЛИК НАТИЖАСИ

Қашқадарёда об-ҳаво, маҳаллий шароит ҳисобга олиниб, ҳашарга анча олдин тайёргарлик кўрила бошланди. Вилоят марказидагина эмас, барча шаҳар ва туманларда корхона, ташкилот, муассасаларда аниқ, пухта тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳашар ўтказиладиган жойлар аниқлаб олинди.

Яна бир диққатга сазовор томони шундаки, ҳар йили водий вилоятларидан минг-минглаб чинор дарахти кўчатлари олиб келиниб, тўғри келган жойга қадаларди. Бу йил ундай бўлмади, вилоят табиатига мос игна баргли дарахтлар ўтқазилди. Ташкилот, ўқув юрти борки, унинг олдида гулзорлар ташкил этилди. Барча кўчатлар вилоятдаги боғдорчилик, ўрмончилик хўжаликларида етиштирилди.

Кўрилган пухта ҳозирлик ўз самарасини берди. 517 маҳалла аҳолисидан 988000 киши, вилоят бўйича эса 1 млн. 342000 киши ҳашарда қатнашди. 208,3 минг туп мевали, 328,5 минг дона манзарали, 73600 та гул кўчатлари ўтқазилди. 993 минг дарахт буталаб шакл берилди. Маҳаллаларни тартибга келтириш ҳар бир ҳашар қатнашчисининг диққат марказида бўлди. 13600 тоннадан ортиқроқ чиқинди, хашаклар белгиланган жойларга олиб чиқилди. 9500 километр масофадаги ариқ ва зовурлар тартибга келтирилди.

"Бу хайрли ва савоб ишдан ҳеч ким ўзини четга тортмасин" шиори ўртага ташланиб, қабристонларга нафақат хотира ёки ҳашар кунлари, балки бутун йил давомида эътибор қаратиш ҳақида келишиб олинди.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

- Ҳашар куни 150 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 450 минг туп гул ниҳоллари ўтқазилди. Ҳамма маҳаллалар ободонлаштирилиб, чиқиндилардан тозаланди. Суғориш шохобчалари тартибга келтирилди. Бу юмушлар жамғарма, ташкилот ва муассасалар жамоалари ҳамкорлигида амалга оширилди, - дейди "Маҳалла" жамғармаси Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раисининг муовини Шамсиддин Жўраев, - Мирзачўлдаги маҳаллалар аҳли ўтган йили туман маркази - Гагарин шаҳрини гуллар шаҳрига айлантиришни ният қилиб, буни амалда исботлаган эдилар. Ушбу анъана бу йил ҳам давом эттирилди. Жумладан, Дўстлик туманидаги Мингчинор ҳудудида 4 гектарли боғ барпо этилди. Зоминликлар қишин-ёзин ям-яшил бўлиб турадиган, инсон саломатлиги учун жуда фойдали арчазорлар барпо этдилар. Шунингдек, Фориш, Бахмал, Ғаллаорол, Зарбдор, Зафаробод, Пахтакор, Жиззах, Арнасой, Даштобод туманларининг меҳнат аҳли ҳам ҳар қачонгидан баракали меҳнат қилиб, маҳаллаларнинг иқтисодиётини мустаҳкамлашга улуш қўшдилар. Бир туп тут эксанг, минг йил дур терасан, дейди халқимиз. Экиладиган ниҳолларни белгиланган жойларга етказишда ўрмончилар ва бошқа мутасадди ташкилотлар яқиндан ёрдам бердилар. Ҳашар ўтказишда "Маҳалла" жамғармаси тизимидагилар алоҳида ташкилотчилик намуналарини кўрсатдилар.

Жиззах вилояти

БИР ТУП ЭКСАНГ...

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент вилояти

Тошкент тумани Кўксарой қишлоқ фуқаролар йиғини Шамсиобод маҳалласида халқ ҳашари куни

ИЛДИЗЛАРИНГ ҚАЙДА, НАВРЎЗИМ!

Милоддан аввалги, тахминан VII-V асрларда Марказий Осиёда ҳукм сурган зардўштийлар баҳорнинг биринчи кунини яхшилик худосининг ёмонлик худоси устидан ғалаба қилган сана дея нишонлаганлар. Бу сана айнан Наврўз кунига яъни 21 мартга тўғри келган. Бошқа қадимий афсоналарга қараганда, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг илк учрашган куни - байрам ҳисобланиб, бу кун ҳам айнан Наврўзга тўғри келади.

● Наврўз таърифида

Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Алишер Навоийнинг «Тарихи мулки ажам», Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» каби асарларида Наврўз байрамини нишонлаш бошловчиси сифатида шоҳ Жамшид номи келтирилади. Алишер Навоийнинг ёзишича, Шоҳ Жамшид «Чихил минор» номли, одамзот кўрмаган ва ақл бовар қилмайдиган баланд бино қуради. «...бу иморат туганди, олам салотин ва ашров ва аҳборин йиғиб, анда азим жашн қилди. Ул вақтким, қуёш нуқта эътиқодли робийға таҳвил қилиб эрди, ул бинода тахт устига ўлтириб, адолат сайт ва садосин оламға мунташир қилди ва ул кунининг отин «Наврўз» қўйди...»

Наврўзнинг пайдо бўлиши ҳақидаги бу каби афсоналар бошқа алломаларнинг асарларида ҳам келтирилган. Агар ушбу масалага илмий нуқтаи назардан ёндошилса, ҳар томонлама илмий асосланган коинот ва табиат қонуниятлари, яъни Қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатидан баробар бўлиши, кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланишнинг бошланиши, фасллар алмашиши ушбу байрамнинг вужудга келишига асос ва замин бўлган дея аниқ фикр билдириш мумкин.

Бизгача етиб келган қадимий ёзма манбалардан аён бўладики, Эрон, Ўрта Осиё ва Афғонистон ҳудудида Наврўзни нишонлаш Ахмонийлар ҳукмронлик қилган даврда кенг тарқалган. Демак, ушбу гўзал байрамнинг 2600 йиллик тарихи бор экан. Шунингдек, Навоўзий таом —сумалак ҳақида ҳам турли ривоятлар мавжуд. Мана, улардан бири: серфарзанд бир деҳқон экин учун сақлаб қўйган сўнгги донини экин учун ҳозирлаб сувга ивитиб қўяди. Аммо обҳаво бирдан совиб экин ишлари орқага сурилади. Ивитилган буғдой эса ниш уриб ўса бошлаган. Иложсиз қолган деҳқон буғдойни нобуд қилмаслик мақсадида уни қиймалаб, хотинига ундан таом тайёрлашни буюради. Деҳқоннинг хотини нима қилишини билмай, буғдой бўтқасини қозонга солиб қайнатишга бошлайди. Узоқ вақт қайнатилган буғдой қиймасидан ҳиди ёқимли, ўзи тўйимли, мазаси эса тановул қилган кишининг узоқ вақт ёдидан чиқмайдиган даражадаги ширин таом ҳосил бўлади...

Қадимда аждодларимиз ардоқлаган ушбу байрамни келажакда авлодларимиз ҳам улуғлаб нишонлагайлар, иншоолоҳ.

Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари номзоди.

Наврўз куни барча касб-ҳунар эгалари ўз устозларидан, табаррук кексалардан «оқ фотиҳа» олганлар.

Кишилар бир-бирларига саховат «сандиғи»ни очиб, хайр-эҳсон қиладилар, кичикларга, қарияларга, қиз-жувонларга янги кийим-бош ҳадя этиб, қувонтирадилар. Ёлғиз қолган ота-оналарга, етим-есирларга мурувват кўрсатадилар. Ҳеч ким ғамгин ўтирмайди, ҳаммага табассум улашилади, араз-гиналарни унутадилар, урушлар тўхтатилади. Сўкинмайдилар, қарғанмайдилар, ғийбат қилмайдилар, самимий оқшом суҳбатларини қурадилар.

Беморларни имкони борича табиат қўйнига олиб чиқадилар, уларга Наврўз таомларидан олиб борадилар, хонадонларнинг эшиклари ланг очиб қўйилади, қурт-қумурсқа ва турли жониворларни ўлдирмайдилар, табиат мактабидан сабоқ оладилар.

От чопиш - улоққа, турли халқ сайил-ўйинларига жой тайёрлайдилар, ҳалинчак (арғимчоқ) қурадилар.

Халқ ижодининг чашмалари - катта ашула, чанговуз баҳси, халқ лапарлари, аския, қизиқчилик, масхарабозлик, бахшилар айтишуви ва шоирлар мушоираларига кенг ўрин берадилар.

Болаларга эътибор қаратилади, Наврўз кийимларини ҳозирлайдилар, айниқса, қизлар қизил камалакранг шойи газламалардан миллий кийим-либослар киядилар, майда ўрилган жамалак сочларига толбаргак тақадилар, ўғил болалар варрак, қуроқ учирадилар, қизлар лапар айтадилар, йигит-қизлар ўзларига умр йўлдоши танлайдилар.

Баҳор чечаклари бўлмиш ялпиз, хилбўй, исмалоқ, баргизўт, отқулоқ, жағ-жағ, мачин, семизўт, кийикўт, момақаймоқ, каврак, андиз, эрман, шўра, йўнғичқа териб, турли таомлар тайёрлаганлар. Қариндош-уруғлар, ёр-биродарлар, қўни-қўшнилар бир-бирлариникига меҳмонга борадилар, меҳрибончилик қиладилар, майхўрликдан жамоатчилик нафратланган.

Халқимиз Наврўзга қадар уй-жойларни, боғ-роғларни, ариқ-зовурларни тозалаганлар, омоч-бўйинтуруқлар ва аравачаларни созлаб, тахт қилганлар, отларни совутганлар, хўкизларни парваришлаганлар, мева кўчатларини, сара уруғларни ҳозирлаганлар.

ҚАДИМИЙ ВА БОҚИЙ УДУМЛАР

Аждодларимиз бошқаларнинг қувончига путур етказмаслик мулоҳазаси билан Наврўз шодиёнаси куни ҳатто баъзи бир мотам маросим-маъракаларини ўтказмаганлар. Наврўз рўза ойларига тўғри келган вақтларда қадимда аждодларимиз кўпгина тадбирларни кечга томон режалаб, «бозоршаб», яъни тунги савдо расталари ва сайилларни ташкил этганлар.

Наврўз ойларида туғилган чақалоқларга Наврўз, Наврўзой, Наврўзбек, Гулчеҳра, Гулбаҳор, Гулбодом, Баҳорой каби исмлар қўядилар. Одамлар ўз илму-ҳунарларини намойиш этадилар.

Наврўз ҳаммани ҳалолликка, покликка ундовчи айёмдир. Табиатнинг бетакрор манзараларини, одамларнинг орзу-истак ва изтиробларини кўра билиш, тинглай билиш ва англаш фаслидир. Бир сўз билан айтганда, табиат байрами, борлиқнинг янгиланиш, яшариш ва одамларни меҳрли бўлишга, ризқ-рўз яратишга ундовчи эзгулик, йилбоши айёмидир.

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди, элшунос олим.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, “Маҳалла” жамғармаси Республика бошқаруви барча юртдошларимизни Обод маҳалла йилининг НАВРУЗ айёми билан муборакбод этади!





Тошкент шаҳри

МАҲАЛЛАМИЗ АЁЛЛАРИ

Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев номли маҳаллада “Маҳалламиз аёллари” деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссиялари раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа Салимова. “Оила” илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори Васила Каримова, Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари Фарида Акбарова, Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрова ва Республика “Маънавият ва маърифат” марказининг ходимлари ўзларининг қизиқарли фикр ва мулоҳазалари билан иштирокчиларга катта таассурот қолдиришди.

Зиёда ҒАФФОРОВА,
Республика “Маънавият ва маърифат” маркази бош мутахассиси.

Мактабда тадбир

ОНАЛАР ВА УСТОЗЛАР УЧУН

Она-шундай мўтабар зотки, уни нафақат байраму айёмларда, балки ҳамиша, ҳар куни ардоқлаб эъзозласак арзийди.

Яқинда мактабимизда Наврўз арафасида «Жаннат оналар оёғи остидадир» деб номланган бадиий кеча ўтказдик. Унга оналаримизни ва мактабда бизга сабоқ бераётган устозларимизни таклиф этдик. Бизнинг ижромиздаги саҳна кўринишлари ва куй-қўшиқлар уларга жуда манзур бўлди. Кеча сўнгида мактабимиз раҳбари Мавжуда Йўлдошбекова ва бошқа устозларимиз, оналаримиз сўзга чиқиб, кеча ташкилотчиларига раҳмат айтдилар, барча ўқувчиларга яхши тилаклар билдирдилар. Айниқса кечада таниқли санъаткоримиз Умида Мирҳамидованинг иштирок этгани меҳмонларга ҳам, ўқувчиларга ўзгача завқ бағишлади.

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги 148-мактаб ўқувчиси.

“Обод маҳалланинг мазмун ва моҳиятини, миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган маҳалла оқсоқоли” Республика кўрик-танлови

НИЗОМИ

1. Кўрик-танловнинг мақсади

Кўрик-танлов Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, “Маҳалла”, “Нуроний”, “Соғлом авлод учун” жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, Республика Байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий Кенгаши ҳамда Республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил қилинади. Кўрик-танлов 2003 йил “Обод маҳалла йили” га бағишланган бўлиб, халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларини эъзозлаш, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, диний экстремизм оқими, гиёҳвандлик таъсирига тушиб қолган шахслар билан профилактик ишларни янада яхшилаш, ёшларнинг Конституциямизни ўрганишида, уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, лекин жамоатчилик ишига етарли даражада жалб этилмаган бой тажрибали отахон ва онахонларимизни, зиёлиларнинг билим ва тажрибаларидан кенг фойдаланишни кўзда тутади.

Кўрик-танлов ёшлар орасида маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни тасвирий ва бошқа тарғибот воситалари орқали янада кучайтиришда, йил давомида ушбу йўналишда барча ташкилий ва амалий ишларни бажаришда маҳалла оқсоқолларини, “Нуроний”, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, “Камолот” ЁИҲ фаолларини ва ИИВ тизимидаги энг илғор милиция профилактика ходимларини аниқлашга қаратилади.

2. Кўрик-танлов шартлари:

а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қадриятларимиз асосида халқимизга хос асрий анъаналарни, оилаларда тинчлик ва тотувлик, маҳаллада барқарорлик муҳитини шакллантиришга оқсоқолларнинг қўшаётган ҳиссалари, соғлом авлодни тарбиялашда, маҳаллаларда ёшлар спортини кучайтиришда уларнинг бой маънавий, касбий ва ҳаётий тажрибаларини ёшларга етказишни таъминлаш;

б) Ёшлар орасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ишларини амалга оширишда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолиятини маҳаллалар фаолияти билан мувофиқлаштириш;

в) Маҳалла, гузар, қишлоқ, овул ва шаҳарларда маданий, маърифий, ҳуқуқий тарғибот ишлари таъсирчанлигини янада ошириш;

г) Аҳоли ва ёшлар орасида меросий, маданий ва маърифий билимлар, қадриятлар, урф-одатларимизнинг тарғиботи, шу жумладан ташқи тасвирий тарғибот воситалари ва уларнинг таъсирчанлигини янада ошириш;

д) Маҳалла ёшлари орасида таълим дастурида белгиланган талабларни ҳаётга жорий қилишда, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишдаги профилактик ишларда, диний экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган шахслар билан ишлашда жамоатчилик ва маҳалла фаолларининг фаолият таъсирчанлигини ошириш;

е) Давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, обод маҳалла, озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш ишига муносиб ҳисса қўшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида байналмилал тарбияни кучайтириш, улар орасида ўзаро ҳурмат ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш каби хислатларни қўллаб-қувватлаш;

ж) Конституциямиз ва миллий қадриятларимизни тарғиб ва ташвиқ қилишда тасвирий воситаларнинг омилкорлигини ошириш.

3. Танлов босқичлари:

Биринчи босқич **- кўрик-танловнинг ташкилий қисми бўлиб, Низомда белгиланган талаблардан келиб чиқиб, қуйи ташкилотлар керакли ҳужжатлар билан таъминланади ва Низом асосида жойларда қўшма қарорлар қабул қилиниб, амалий иш ташкил қилинади.**

Муддати : февраль 2003 йил

Иккинчи босқич – **“Обод маҳалла” Дастури, Конституциямиз моҳиятини, миллий қадриятларни тарғиб қилиш ишларини фаоллаштириш ва Низом талабларига биноан, энг қуйи бўлим, туман ва шаҳарларда маҳаллалараро танлов ғолибларини аниқлаш. Жойларда тузилган ҳайъатлар орқали кўрик-танловнинг туман (шаҳар) ташкилотчилари ўз қўшма қарорлари билан Низомда кўрсатилган ғолибларни пул маблағи ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотлайди.**

Муддати: август 2003 йил.

Учинчи босқич – **кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичида биринчи ўринни эгаллаган ғолибларнинг тегишли ҳужжатлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кўрик-танлов комиссияларига тақдим этилади. Ушбу босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ғолиблари аниқланади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри якуний йиғилишлари Республика ташкилий қўмитаси графиги асосида ва унинг вакиллари иштирокида ўтади.**

Муддати: сентябр-октябр 2003 йил.

Якуний босқич - **Кўрик-танловнинг Республика якуний босқичи Конституция байрами арафасида 25 ноябр 5 декабр оралиғида ўтказилади.**

Республика кўрик-танлов ҳайъати “Обод маҳалла йили”да 1,2,3-ўринни эгаллаган ғолибларни кўрик-танловдан ўтказишда фаоллик кўрсатган ташкилотчилар ва жамоатчилик фаолларини аниқлайди.

4. Ғолибларни тақдирлаш

Кўрик-танловда 1,2,3 ўринни эгаллаган ғолиблар кўрик-танлов иштирокчиларининг қўшма қарори асосида сайланган ҳакамлар ҳайъати томонидан тақдирланадилар.

Кўрик-танловнинг Республика босқичи ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар белгиланади:

1. Биринчи ўрин - 3 та 500.000 сўмдан – 1.500 000 сўм
2. Иккинчи ўрин - 3 та 300.000 сўмдан - 900.000 сўм
3. Учинчи ўрин - 3 та 200.000 сўмдан - 600.000 сўм
Жами: - 3.000.000 сўм
4. Рағбатлантирувчи мукофот - 5та 75.000 сўмдан - 375. 000 сўм

Ушбу кўрик-танловни ташкил этишда фаол иштирок этган “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, “Маҳалла” ва “Нуроний” жамғармалари, “Камолот” ташкилоти фаоллари учун 35 та – ҳар бири 50000 сўмдан, жами 1 750 000 сўм пул мукофоти белгиланади.

- Энг фаол иштирок этган маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раисларидан ҳамда “Нуроний” жамғармаси марказлари раисларидан 14 киши - ҳар бири 30.000 сўмдан, жами 420.000 сўм пул мукофоти билан тақдирланадилар.
- Ташкилий харажатларга – 255 000 сўм

Кўрик-танловда ғолиб деб топилган энг фаол маҳалла оқсоқолларига:

- “Ибратли маҳалла оқсоқоли” кўкрак нишони берилади.
- Ғолиблар учун мукофотларни тақсимлаш тартиби “Маҳалла” жамғармаси ва ҳайъат томонидан ишлаб чиқилади.

Эслатма: Нарх-навонинг ўзгариши муносабати билан тақсимотда қўшимча смета асосида сарф-харажатларга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

Банкларимиз фаолияти

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИ ДАСТЛАБКИ ТАЛАБ

Юртимизда мустақиллик йилларида кечаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли банкларимиз фаолияти жаҳон талабларига жавоб бера оладиган даражада такомиллашиб бормоқда

Кейинги ўн йил ичида юртимизда банклар сони бир неча баробар кўпайди. Шунингдек, бизнинг банклар фаолиятига муносабатимиз ҳам ижобий томонга ўзгарди. Айниқса, юртимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида банклар тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланиб бормоқда.

Айни кунларда «Пахта банк»нинг Фарғона вилояти Фурқат тумани бўлими ҳам банк фаолиятининг турли йўналишларида аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда 572 та юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатишдан ташқари аҳолининг бўш пул маблағларини муддатли омонатларга жалб этиш мақсадида ушбу омонатларнинг шартлари , уларга тўланадиган устама маблағлар ҳақида тумандаги маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. «Пахта банк»нинг ушбу бўлимида мижозларни нақд пул билан таъминлаш борасида муаммолар йўқ. Мижозлар ўз ҳисоб рақамидаги маблағдан ҳужжат тақдим этилган заҳотиёқ ҳар қандай тўловни амалга ошира оладилар. Бу ҳолат ўз навбатида мижозларнинг банк хизматидан қониқиб, у билан ҳамкорликка интилишларининг асосий сабаби бўлмоқда.

- Банк бўлимимизнинг 1616 нафар акциядорлари бор. 33422 дона акцияларимиз бўйича дивидентлар ўз вақтида тўлаб борилмоқда. Банк бўлими халқ хўжалигининг турли тармоқларини кредитлаш йўналиши бўйича банкнинг ўз маблағи, «Бизнес фонд» жамғармаси ва Бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан туманда турли тижорат ва тадбиркорлик ишларини ривожлантириш, пилла етиштириш, аҳолини дори-дармон билан таъминлаш учун хизмат қилмоқда, шунингдек, олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларга таълим кредитлари учун маблағ ажратмоқда. Кейинги бир неча ой ичида ўрта ва кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 86 нафар хусусий тадбиркорга қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бердик, - дейди биз билан суҳбатда банк бўлими бошқарувчиси Музаффар ТЎЙЧИЕВ.

Сир эмаски, аҳолига хизмат кўрсатишнинг қайси жабҳаси бўлмасин, унинг ривожланишида шу соҳа ходимларининг хизмат кўрсатиш маданияти, савияси ва соҳага оид билимлари катта аҳамият касб этади. Буни ҳисобга олган ҳолда банк бўлимида ходимларни ишга қабул қилишда уларнинг соҳага оид билимларидан ташқари мижозлар билан муомаа маданиятига ҳам эътибор берилади. Ҳар бир ёш кадр банк хизматида кўп йиллик тажрибага эга, малакали ходимларга бириктириб қўйилади. Умуман банк бўлимида ишлаётган ходимлар ҳар йили аттестациядан ўтказиб борилади, улар учун иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёритувчи ва жаҳон банклари фаолиятидан маълумот берувчи ўқув-семинарлар ўтказилади. Банк бўлимида «Маърифат ва маънавият хонаси» бўлиб, бу ерда турли мавзудаги адабиётлардан ташқари юртимизда чоп этилаётган газета ва журналларга ҳам обуна ташкил этилган.

Банк бўлимида деярли ҳар бир ходим ўз хоҳишига кўра бир нашрга обуна бўлган. Бу ўз-ўзидан банк ходимларининг маънавий, сиёсий дунёқарашларининг ошишига, аҳоли эҳтиёжлари билан янада яқиндан таниш бўлишга имкон яратади.

Муқим АҲРОР

Шарҳловчи минбари

БУ КАСАЛЛИККА ДАВО БОРМИ?

Россия ва Европадаги қатор мамлакатларни ўз домига тортган грипп балоси энди-энди чекинай деб турган бир пайтда, жаҳон ҳамжамиятини янги касаллик тарқалгани яна ташвишга солмоқда.

Жануби-Шарқий Осиё ва Шимолий Америкада аҳоли шифокорлар кўригидан ўтишни бошлади.

Бу турдаги касаллик ҳали кузатилмаган бўлиб, мутахассислар уни ўткир пневмонияга (зотилжам) ўхшаб кетишини таъкидламоқда. Беморнинг ҳарорати кўтарилиб, этида оғриқ пайдо бўлади. Нафас олиши қийинлашиб, йўтал тутади. Касалликни тарқатувчи вирус ҳозирча аниқланган эмас.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотларга кўра, айни дамгача Жануби-Шарқий Осиё ва Шимолий Америкада ана шундай хасталикка чалинган 500 нафар бемор рўйхатга олинган. Улардан тўққизтаси ҳаётдан кўз юмди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси берган хабарда айтилишича, Хитойнинг жанубий вилоятлари, Гонконг ва Вьетнамда вазият анча жиддий. Ҳатто, Хитой ҳукумати Жаҳон соғлиқни сақлаш

ташкилотидан ёрдам сўрашга мажбур бўлди.

Минтақадаги қўшни давлатлар ўз ҳудудларида эҳтиёт чораларини кўрмоқда. Айниқса халқаро аэропортларда кенг қамровли санитария текшируви ўтказилмоқда. Куни кеча Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакатдаги барча аэропортларда касаллик тарқалган давлатлардан келувчи йўловчиларни текширувдан ўтказиш зарурлиги ҳақида маълум қилди. Вазирлик раҳбарияти аэропорт ходимларига, агар бирор йўловчида касаллик аломатлари сезилгудек бўлса, уни дарҳол даволаш муассасасига жўнатишга кўрсатма берди.

Жанубий Корея ҳукумати ҳам ўз фуқароларини огоҳликка чақириб, эпидемия хавфи пасаймагунча мазкур давлатларга сафар қилмасликни маслаҳат берди. Ҳозирча Жанубий Кореяда эпидемия аломатлари сезилгани йўқ. Қўшни Японияда ҳам бу офатни мамлакат ҳудудига киритмаслик учун барча чоралар кўрилмоқда. Япон шифокорларидан бир гуруҳи эпидемия марказларидан бири бўлган Вьетнамга йўл олди.

Сянгандаги «Катай Пасифик» авиакомпанияси бемор йўловчиларга хизмат кўрсатишдан бош тортмоқда. Авиакомпания вакилларидан бири Дон Мерритт журналистларга хасталик аниқланган йўловчилар ҳаво кемасига чиқарилмаслигини маълум қилди.

Эпидемия Европа ҳамжамиятини ҳам бефарқ қолдирмаётир. Париждаги «Руасси» аэропортида ҳам йўловчиларни кўрикдан ўтказиш бошлаб юборилди. Маълумотларга қараганда, касаллик шарпаси сўнгги кунларда Германияда сезила бошлади. Яқиндагина Хитой сафаридан қайтган икки бизнесмен шифокорлар томонидан махсус рўйхатга олинди.

Баъзи кузатувчилар бу касаллик 1918 йилда тарқалган грипп эпидемияси сингари кўплаб одамнинг ёстиғини қуритиши мумкин, деган ташвишли башоратни айтмоқда. Ўшанда дунё аҳолисининг 20 миллионга яқини ушбу хасталикнинг қурбонига айланган эди.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

«КАМОН – СОВҒА...»

(Катталар учун ибратли эртак)

Қуён дўконга бориб
Сотиб олди ўқ-камон.
Шериклари сўрашди:
«Не керак бу, ошнажон?»

«Сиз нодонлар билмайсиз,
Барчангиз қуён юрак.
Бу ўқ, камон бўрини
Қўрқитмоқ учун керак!»

Шундай дея ўқ-ёйни
Елкага илиб олди.
Овчилик ҳавасида
Ўрмон бўйлаб йўл солди.

Бўри чиқди ногаҳон
Кулранг, кўзида қаҳр:
«Ҳа, қуёнбой, қалайсан?
Қўлга тушдинг-ку ахир!»

Қуён титрар барг мисол,
Зўрға очади оғиз:
«Салом,- дейди қалтираб,-
Бўри ака соғмисиз?

Келяпман сиз томон
Сизга ошна бўлгани.
Оғайнилик удуми -
Ўқ-ёй совға қилгани»

Бўри совға сўзидан
Жуда-жуда суюлди.
Совғанинг эвазига
Қуён омон қутилди.

Энди бўри хотиржам,
Юрмас қолиб оёқдан.
Қуёнларни ов қилар
Ўқ-ёй билан узоқдан.

Гоҳ ҳаётда шундайин
«Қуён» учраб туради.
Камон олиб атайлаб
Совға қилиб юради!

Дилмурод САЙИИД

М. УНГАРОВ чизган



— Ўқитувчингни бошқа иши йўқми, ўтган йили мажлисга чиқувдим—а.

Тошкент шаҳар майда улгуржисавдо бозорларидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бугунги ўртача нархи (1 кг. — сўмда)

Маҳсулот тури	Мин. нарх	Макс. нарх
Картошка	190	**260**
Пиёз	90	**280**
Карам	150	**260**
Сабзи	100	**180**
Помидор	400	**1300**
Бодринг	350	**800**
Шолғом	40	**60**
Олма	250	**900**
Нок	350	**1000**
Анор	300	**1400**
Лимон	700	**1100**
Мандарин	650	**850**
Ёнғоқ	750	**900**
Қов. ер ёнғ.	630	**660**
Кишмиш	800	**1800**
Туршак	700	**1400**

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан МАҲАМАДАЛИЕВА Раъно Эргашевна номига берилган 0914524 рақамли патент йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади**

Жиноят ва жазо

Бобурбек ҚУДРАТОВ

ҲАҚ ЙЎЛНИ АНГЛАШ

ёхуд "ЎИҲ" аъзосининг пушаймонлари

Тинчлик - инсоннинг яшаш ҳуқуқидан сўнг унга берилган иккинчи муқаддас иноят. Тинчлик бўлмаса ҳаётингизда, туриш-турмушингизда ҳаловат йўқ. Буни бизнинг халқимиз ўз тажрибасидан ўтказган.

Табиатда ҳамма нарсанинг акси борлиги абадият қонунидир. Жумладан, туғилиш ва ўлиш, бошланиш ва тугаш, кеча ва кундуз, уруш ва тинчлик. Бинобарин, тинчликнинг акси уруш, беҳаловатлик экан, бизнинг ҳам юртимиздаги осойишталик, барқарорликни кўра олмайдиган ёвуз кучлар бор ва улар ўз заҳрини сочиб турадилар. Ана шундай кучлар таъсирига тушиб қолган, аниқроғи, уларнинг қўлларидаги қўғирчоққа айланганлар эса юртимиз осмонига "қора булут" олиб келишга уринадилар.

АҚШ давлат департаменти 11 сентябрь воқеаларидан сўнг, ўзининг террорчи гуруҳлар киритилган рўйхатини эълон қилди. Ундан карвонбоши ҳисобланмиш "Ал-Қоида", "Абу Сайёф", ХАМАС экстремистик ташкилотлардан сўнг, "Ўзбекистон ислом ҳаракати" ҳам ўрин олган эди. Афсуски, айнан мана шу ҳаракат ва ҳатто ислом дини маркази Саудия Арабистонида тан олинмаган "Ҳизбут-Таҳрир" оқими бизнинг келажагимизга соя солишга уриниб келмоқда.

ХХ асрнинг охирги ўн йиллиги аввалида юзага келган вақтинчалик мафкуравий бўшлиқдан фойдаланиб, мазкур кучлар баъзи бир кишиларни ўз тарафларига оғдиришга улгурдилар. Очиқроқ айтадиган бўлсак, диний билимлари у қадар шаклланмаган кишиларни алдаш йўли билан "асир" олдилар. Ана шундайлардан бири, уч нафар фарзанднинг отаси наманганлик Муҳиддин Нуриддиновдир. Бугун эса у 43 ёшида ўз қилмишидан пушаймон. Қўйиб берсанг, тарих чархпалагини ортга айлантириб, ўша осуда ҳаётини, маҳаллакўй, ёру биродарларининг унга ҳавас билан қарашларини бошқатдан бошлашни жуда-жуда истайди. Бироқ, оқаётган сувни тўхтатиб бўлмас...

Ўрта мактаб, ҳунар-техника билим юрти, ҳарбий хизматдан сўнг Наманган шаҳридаги атлас тўқиш фабрикасига ишга кирган Муҳиддин бир ҳунарнинг этагидан ушлади. Оилали бўлди, фарзанд кўриб, ота деган муқаддас номга эришди. Турмуши осойишта, бир маромда ўтиб турган кезлари, нима бўлдию, 1991 йилнинг аввалидан Абдулаҳад қори имомлик қилган "Отавалихон-тўла" масжидига бориб, намоз ўқий бошлади. Унинг бу ишидан ота-онаси қувонди. Негаки, улар худонинг уйи саналган масжидда фақат ва фақат эзгулик ҳақида гапирилишига ишонишарди. Аввалига шундай ҳам бўлди. Лекин, секин-секин кечки намоздан кейин қандайдир "даъват"лар эшитилган бўлса, сўнгроқ Ўзбекистонда исломий давлат барпо этиш, конституцион тузумни ағдариш, баъзи бир кишиларга қарши "жиҳод" эълон қилиш тунги суҳбатлар мавзусига айланди. Бу эса Ислом дини даъвати бу ерда фақат баҳона бўлганлигининг белгиси эди. У шу ерда Абдували Йўлдошев (лақаби "Абдулазиз", Боткен воқеаларида ҳалок бўлган), Толиб, Йўлдош, Луқмон, Али каби янги танишлар орттирди. Тахминан, 1994 йил Афғонистонга яширинча ўтиб, Тоҳир Йўлдош билан учрашиб қайтган Муҳиддиннинг танишлари, вилоятдаги бадавлат оилаларни тунаб, Тожикистонда турган "ўзбек мужоҳидлари"га маблағ юбориш керакли ги ҳақида топшириқ бўлганлигини айтишди. Шундан сўнг, бу пайтгача даъватларда тингловчи сифатида қатнашиб келган Муҳиддин жиноятларда иштирок эта бошлади. Тўда режасига баъзи уйларга босқинчилик уюштирилди. Натижада хонадон бошлиғини ўлдириб, уйдаги қимматбаҳо бойликлар ва хорижий валюталар олиб кетилди.

Бироқ маълум вақт ўтиб, Наманган темир йўл вокзали ёнида Абдулазизнинг икки нафар милиционерни отиб ташлаганини эшитгач Муҳиддин юраги ҳадикда қолди ва Ўзбекистондан чиқиб кетиш тадоригини кўрди. Чунки қилмишига яраша қонун олдида жавоб беришни хоҳламаётган Муҳиддин қўшни давлатдаги "Ўзбекистон ислом ҳаракати" лагерида ўзини ҳузур-ҳаловат кутаётганлигини хомхаёл қилганди. Сўнг у Тожикистонга ўтди. Қандайдир маҳаллий киши ёрдамида Душанбе шаҳридаги хиёбонда 25-30 чоғлик ўзбек мужоҳидлари билан учрашди ва Жума Ҳожиев (Намангоний)нинг жияни Билол билан танишди. Кейин Хоит аҳоли пунктидаги "Ўзбекистон ислом ҳаракати" қўналғасига юборилган Муҳиддин қандайдир Акром томонидан нима мақсадда келганлиги, касбий фаолияти, оилавий аҳволи каби саволлардан иборат сўроқдан ўтди ва унинг лагердан ташқарига чиқиши чеклаб қўйилди. Муҳиддин айни шу ерда адашганлигини, тўғрироғи адаштирилганлигини тушуниб етди. Бироқ энди орқага қайтишга кеч бўлганди. Негаки, у Ўзбекистонга қайтишга анча уринган 17 нафар собиқ жангарилар Билол, Абдулазиз, Сайфулло, Юсуфхон ва бошқа бир Муҳиддин томонидан отиб ўлдирилганини яхши биларди.

1999 йилнинг ёзида навбатдаги афғон сафаридан қайтган Намангоний Хоитда Абдулазиз бошчилигидаги 20-25 кишилик, Абдулла полвон раҳбарлигида яна 25-30 кишилик, Илҳом ва Анаслар етакчилигида 18 ҳамда 20 кишилик тўртта қуролли гуруҳ тузди. Сўнг Абдулазиз йигитлари Қирғизистоннинг Боткен вилоятига, қолганлар эса Тожикистоннинг Жирғатол тумани орқали Абрамов музлигидаги гидрометеорология станциясига чиқиб бордилар. У ердаги 11 нафар ходимни қўлга олган жангарилар 10-12 кунни станцияда ўтказишгач, бу ерда наф йўқлигини тушуниб етишди ва уни портлатиб, ортга қайтишди. Ҳибсдагиларни эса қўйиб юборишди. Қайтиш чоғида Илҳом ихтиёридаги гуруҳ 10 нафар қирғиз милиционерини гаровга олди ва сўнг бир нечта эшак эвазига уларни озод этди. Чунки тоғда ҳаракатланганда эшак энг яхши транспорт воситаси саналиши кундай аён.

Орадан 15-20 кун ўтиб, Боткен вилоятида ҳукумат қўшинлари билан юз берган жангда, таркибида бизнинг "қаҳрамонимиз" ҳам бўлган Абдулазиз ва Алининг йигитлари иштирок этишди. Тўқнашувлар вақтида Абдулазиз ҳалок бўлди. Лекин тўрт нафар япониялик альпинистларни ва бир қирғиз генералини гаровга олган жангарилар Тожикистоннинг Иссиқсу қишлоғида 4 миллион АҚШ доллари эвазига уларни расмий Бишкек ихтиёрига топширдилар.

2000 йилнинг январида Жума Ҳожиев кўрсатмасига мувофиқ оилали ва касал жангарилар Хоитдан Тавильдарага, кейин Афғонистонга жўнатилдилар. Муҳиддиннинг айтишича, Қундузда яшаган кезларида бир куни жангариларнинг қандай жойлашганликларини кўздан кечириш мақсадида Тоҳир Йўлдош келди ва эртасига барча "Ўзбекистон ислом ҳаракати" тарафдорлари Мозори-Шариф яқинидаги Саидобод аҳоли пунктига кўчирилди. Муҳиддин 2000 йилнинг январидан 2001 йилнинг сентябрига қадар Мозори-Шариф, Қобул, Қандаҳор, Ҳиротдаги махсус "дафтар" (лагер)ларда таъминотчи вазифасида ишлади. Аксилтеррор компанияси бошлангач, 2001 йилнинг декабрь ойида Толибонга қарши курашган Иттифоқ қўшинлари Қундузни ишғол этгач қўлга олинган Муҳиддин асир сифатида пойтахт Қобулга жўнатилди. Жорий йилнинг 29 январида эса Афғонистон муваққат ҳукумати Муҳиддин Нуриддиновнинг Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ихтиёрига топширди.

Айни қирчиллама ёшида ватангадолик азобини татиб кўрган Муҳиддин хоҳ Қобулда бўлсин, хоҳ Тошкентда, барибир ҳам қилмишига яраша жазо олишини яхши биларди. Шу боис, у ўз ватанида жазоланишни афзал кўрди ва унинг талаби Афғонистон ҳукумати томонидан қондирилди.

Бугун эса суднинг қора курсисида ўтирган Муҳиддин Нуриддинов ўз қилмишидан надомат чекмоқда. Лекин ғишт қолипдан кўчиб бўлган. Одил ҳукмни эса одил суд чиқаради. Атлас тўқувчи устанинг биргина ўтинчи, тилаги бор: у юрган йўлдан эндиликда бошқа биров юрмасин. Ҳамма ўзидан, атрофдагилардан огоҳ бўлсин. Дарвоқе. Собиқ жангари билан ўтказилган матбуот анжумани ҳам унинг илтимоси билан амалга оширилди. Мақсад эса ўша-ўша, яъни, ёвуз кучлар таъсирига тушиб қолишдан ўзгаларни огоҳ этишдир. Чунки бу йўлни у энди ҳаёт учун боши берк манзил, инсоннинг ўз Ватани, халқи, ҳатто ўз қариндош-уруғию, қондошларига нисбатан хиёнат йўли деб тўғри баҳолай олаяпти.

КРОССВОРД

БЎЙИГА: 1. Қашқадарё вилоятидаги туман. 2. Кино мукофоти. 3. Туркманистон пул бирлиги. 4. Ўзбек газламаси. 5. Ўзбекистон халқ артисти ... Ҳидоятов. 8. Негерия пул бирлиги. 11. 7 кун. 12. Сатурн йўлдоши. 13. Тоҳир Малик асари. 14. Осиё қитъасидаги ярим орол. 16. Торт-о-прене. 17. 5 донадан иборат асар. 18. Италия футбол жамоаси. 19. Шудринг. 20. Франциядаги шаҳар - ... Карло. 22. АҚШ штати. 26. Англия футбол юлдузи - Тони ... 27. Қимматбаҳо металл. 30. Япония терма жамоаси аъзоси - Ютака ... 31. Чет эл банкларида сақланадиган олтин, валюта ёки қимматбаҳо қоғоздан иборат банк маблағи. 33. Боливия пойтахти. 35. Аниқ. 36. Чарм ва қайишдан тўқилган йўғон ва оғир зарб берувчи қурол. 37. Ўзбек шоираси ... Отин. 38. Россиялик теннис юлдузи ... Сафин. 39. Шекспир асари "... ва Жулетта".

ЭНИГА: 1. Япониядаги шаҳар. 3. Финляндия пул бирлиги. 5. Кимёвий элемент. 6. Бухоро вилоятидаги туман. 7. Цитрус мева. - Жамоа ишларига сафарбар этиш, ҳашар. 10. АҚШ штати. 11. Алишер Навоий туғилган шаҳар. 13. Сенегал пул бирлиги. 15. Кимёвий элемент. 17. Руминиялик машҳур футбол юлдузи - Георги ... 19. Али Бобонинг акаси. 21. Исландия пул бирлиги. 23. Шубҳага солиш санъати. 24. Қора металл. 25. Италия терма жамоаси ҳимоячиси - Алессандро ... 26. Ўзаро ҳисоб-китобнинг аҳволи, пул ўтказиш ёки товар жўнатиш хусусидаги банк ҳужжати. 28. Мева тури. 29. Африкадаги давлат - Кого ... 30. АҚШ штати. 32. Ювентуснинг Чилилик лигионери - Марсело ... 34. Физик олим Андре Марс ... 36. Бангладеш пойтахти. 38. Ас, уста. 40. Эстрада гуруҳи. 41. Ўзбек эстрада асосчиларидан бири ... Зокиров. 42. Асос. 43. Эстрада хонандаси ... Санаев. 44. Япония пойтахти.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Дмитрий ЗВЕРЕВ
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

8415 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-208 Топширилди—22.30